

ТИЛНИНГ КОГНИТИВ ФУНКЦИЯСИ ВА ИККИНЧИ ТИЛ

Исақова Шохсанам Хасанбой қизи

Анджон давлат университети лингвистика йўналиши

2-курс магистранти

Тил энг мураккаб белги тизимларидан бири сифатида онгда алоқа воситаси ролини ўйнади. Ҳам ёзма, ҳам оғзаки шаклда тил эгасининг ўзига ва дунёга бўлган муносабатнинг шаклланишига сезиларли таъсир кўрсатади. Маълумки, туғилганда боланинг ҳар қандай тилни ўзлаштириши учун чексиз имконият мавжуд. Бола дастлаб она тилида эшитилади, тушунади ҳамда дунёни англайди. Когнитив-коммуникатив фаолият инсоннинг онги, тили ва психологияси билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, мураккаб ҳодисадир. Когнитив фаолият инсоннинг бирор нарса ёки воқеликни идрок этишини амалга оширувчи тафаккур жараёнидир. Тилнинг коммуникатив, экспрессив ва аккумулятив каби вазифалари мавжуд. Алоқа, муомала қилиш учун хизмат қилиш эса тилнинг энг муҳим функциясидир. Кишилар тил орқали бир-бирларини тушунадилар. Бу тилнинг коммуникатив, яъни ижтимоий функциясидир.

Тил бир томондан алоқа воситаси, иккинчи томондан эса билиш воситасидир. Бу постулат инсоннинг коммуникатив компетенциясининг моҳиятини тил ҳақидаги билим, ғоя ва нутқ ҳаракатлари, нутқий кўникмалар сифатида умумий тушунишга мос келади. Тил ўрганишнинг бу икки томони – тил ҳақида билим олиш ва тилнинг ўзи ҳақида билим олиш бугунги кунда хорижий тиллар методологиясида тенг даражада муҳим жараёнлар сифатида қабул қилинади ва лингвистик ҳодиса ҳақида етарли тасаввур ҳосил қилиш, бу ҳодисадан ҳақиқий мулоқотда фойдаланиш кўникмаларини ривожлантиришга хизмат қилади. Шунинг учун замонавий шароитда иккинчи ва чет тилларини ўқитишда етакчи ёндашув коммуникатив-когнитив ёндашувдир. Демак, коммуникация – мулоқот, когнитив – билишдир.

“Когнитив” сўзи латинча “билиш” сўзидан келиб чиққан. Когнитивлик – онгнинг ахборотни қайта ишлаш жараёни.

Когнитив психология илмий фан сифатида XX асрнинг 50-60 йилларида пайдо бўлди. Ушбу ёндашув тарафдорлари инсоннинг ахборотни қандай тушуниши, таҳлил қилиши ва унга асосланиб қарор қабул қилиш жараёнини ўрганади.

Когнитивлик субъектнинг маданиятлараро мулоқот жараёнида янги маълумотларни ўрганиш ва тўплаш қобилиятини англайди. Когнитивлик

кўрсаткичи – бу кундалик, турмуш нарсаларидан юқори маданий қадриятларга қадар, шунингдек, ушбу маданият ва бошқа хорижий маданиятлар билан танишишни кенгайтириш истаги бўлган барча турдаги билимлар йиғиндиси.

Когнитив категорияларга диққат (1), ижро қобилияти (2), ўрганиш ва хотира (3), нутқ (4), кўриш майдони (5), ижтимоий-когнитив функция (6) киради .

Билиш – ҳис-туйғу билан боғлиқ ҳиссий билиш ва онг билан боғлиқ ақлий билишларга бўлинадиган идрок жараёни.

“Тиллар таълимшунослиги” деганда, якзабонлик, иккитиллик-зуллисонайнлик ва кўп тиллик – полиглосеияни ўргатишга доир илмий соҳа тушунилади. Қайси тилни, қай шароитда, нима мақсадда ва қандай килиб ўргатилишидан қатъи назар, тил таълими қонуниятларида умумийлик кўзга ташланади .

Инсоннинг когнитив-коммуникатив фаолиятида она тили, иккинчи тил ва чет тилининг ўз ўрни ва илмий-амалий натижаси бор.

Маълумки, инсон боласи она тилини ҳаётининг муҳитида ўрганади, бу дегани – оилада, боғчада бевосита одамлар орасида тил ўрганиб боради. Она тили воситасида боланинг тафаккури шаклланади, теварак-атрофни она тили ёрдамида идрок этиб тушунади ва бошқалар билан мулоқотга киради. “Она тили” атамаси маъносидан аёнки, у она ўргатадиган тилдир. Рус тилида эса “родной язык” – ўз тили, туғилганлар тили, қариндошлар тили. Она тили ва “родной язык” бирикмаларининг иккаласи ҳам инглизча сўзма-сўз берилади: *mother tongue, native language* . Кўринадикки, она тили инсон когнитив-коммуникатив фаолиятининг асосини ташкил этади. Киши ўз она тилида оламнинг лисоний манзарасини англайди ва ифодалайди. Инсон – тил ташувчи ўз она тилининг эгаси эканлигини таъкидлаш лозим. Чунки бола туғилган заҳоти нутқни эшита бошлайди, шу билан ота-она ва бола атрофидаги бошқа кишилар томонидан алоқа воситаси сифатида ишлатиладиган тил таъсирига тушиб қолади. Тилдан мустақил равишда фойдаланишни бошлаш учун ўрганади, бола бу тилни миллий алоқа воситаси сифатида ишлатади ва алоқа воситаси орқали сақланадиган лингвомаданий жамиятнинг маданиятини ўрганади. Шу заминда инсон маълум халқнинг тарихида (лингвомаданий, этник гуруҳ) танловсиз, муқобилсиз унинг вакили ва аъзоси бўлиб қолади.

Она тилидан кейинги навбатда ўрганиладиган ҳар қандай тил иккинчи деб ҳисобланади. Уни ўрганишда ўзига хос қийинчиликлар

пайдо бўлади. Олдин ўзлаштирилган биринчи тилнинг ёрдам бериши (транспозиция) ёки халақит бериши (интерференция) ҳоллари юз беради. Бошқа томондан қаралса, иккинчи тил ўз навбатида она тилига ўрганиладиган чет тилга ҳам салбий ёки ижобий таъсир қилади.

Иккинчи тилни ўрганиш она тилидаги тажрибага суянишни тақозо этади ва ўз навбатида чет тилни эгаллашга ўзини тегишли таъсирини ўтказди .